

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭШДАВЛАТОВ АКМАЛ ЭШПУЛАТОВИЧ

**ПИЁЗ УРУҒЛАРИНИ ҚАТОРЛАБ ЭКАДИГАН СЕЯЛКА
ЭККИЧИ ВА КЎМГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Эшдавлатов Акмал Эшпулатович

Пиёз уруғларини қаторлаб экадиган сеялка эчкичи ва кўмгичининг
параметрларини асослаш..... 3

Эшдавлатов Акмал Эшпулатович

Обоснование параметров сошника и загортача сеялки для
рядового сева семян лука 19

Eshdavlatov Akmal Eshpulatovich

Justification of the parameters of the opener and harrow of the seeder for
sowing onion seeds..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭШДАВЛАТОВ АКМАЛ ЭШПУЛАТОВИЧ

**ПИЁЗ УРУҒЛАРИНИ ҚАТОРЛАБ ЭКАДИГАН СЕЯЛКА
ЭККИЧИ ВА КЎМГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.PhD/T1357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Абдирасули Абдикаримович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Имомкулов Қутбиддин Боқижонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Толибаев Алишбай Ержанбаевич
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «3» декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (453 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» ноябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «19» ноябр даги № 15 рақамли реестр баённомаси).




М.Т. Тошболтаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор


Б.П. Артикбаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., PhD, к.и.х.


А. Тўхтақўзиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пиёз етиштириш учун энергия-ресурстежамкор технологиялар ва замонавий техника воситаларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида 4,44 млн. гектардан ортиқ майдонда пиёз экилиб, 85,8 млн. тонна маҳсулот етиштирилишини ҳисобга олсак”¹, пиёз уруғларини экадиган энергия-ресурстежамкор, иш сифати ва унуми юқори бўлган сеялқаларни илмий асосда такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда махсус сеялқалар бўлмаганлиги сабабли пиёз уруғларини экиш маҳаллий шароитга мослашмаган хорижий сеялқалар ҳамда илмий жиҳатдан асосланмаган ясама мосламалар билан амалга оширилмоқда. Бу мосламалар уруғларни қаторлаб ва бир хил чуқурликка эка олмайди. Шу жиҳатдан пиёз уруғларини экишда агрегатнинг даладан бир ўтишида бир нечта технологияларни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пиёз уруғларини экишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда экишга тайёрланган майдонларда пушталарни шакллантирадиган ва уларга пиёз уруғларини белгиланган чуқурликка кўп қаторлаб экадиган сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг экичи ва кўмгичининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларида агротехник талаблар даражасида ишлашини таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида энергия ва ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалиги экинларини илғор технологияларни қўллаган ҳолда етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик техника воситаларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш”² устувор қилиб белгиланган. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга

¹ https://www.agrobank.uz/upload_files/documentation_file/6088f50b891cc.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сон Фармонида мева-сабзавотчиликни жадал ва самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан пиёз етиштиришда уруғларни агротехник талаблар даражасида сифатли экилишини таъминлайдиган техника воситаларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Майда уруғли сабзавот экинларини экадиган сеялкаларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг ишчи органлари параметрларини асослаш ҳамда такомиллаштириш бўйича хорижда Н.Charles, М.Donald (АҚШ), Г.Н.Синеоков, В.П.Чичкин, Г.М.Бузенков, В.М.Гусев, С.А.Ма, С.И.Сочинёв, А.Н.Карпенко, М.Н.Летошнев, В.В.Василенко, П.В.Красношеков (Россия), F.Zhichao, D.Taotao (Япония), J.Brunotte, T.Peschel (Германия) ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда А.Б.Чапаев, А.Қорахонов, А.А.Ибрагимов, А.Толибаев, Ж.Мухамедов, В.М.Турдалиев, Ш.У.Равшанов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини бажаришган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган экиш машиналари ва уларнинг ишчи органлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада муваффақият билан қўлланилиб келинмоқда. Аммо пиёз уруғларини кўп қаторлаб белгиланган чуқурликда экадиган сеялканинг экич ва кўмгичини ишлаб чиқиш ва уларнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-Атех-2018-60 “Майда

уруғли сабзавот экинларини етиштириш ва пиёз йиғиштириш техника воситалари комплексини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиёз уруғларини кўп қаторлаб бир хил чуқурликка экадиган сеялка экичи ва кўмгичини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш орқали уруғлик, меҳнат ва бошқа харажатлар сарфини камайтиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

пиёз уруғларини экиш технологияси ва техника воситаларига оид маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялканинг ишлаш шароитини ўрганиш ва унга қўйиладиган агротехник талабларни ҳамда шулар асосида сеялканинг конструктив схемаси ва технологик иш жараёнини ишлаб чиқиш;

пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичи ва кўмгичининг турлари ва параметрларини асослаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган экич ва кўмгичлар билан жиҳозланган сеялканинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва унинг синовларини ўтказиш ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пиёз уруғлари экиладиган тупроқнинг физик-механик хоссалари, сеялканинг уруғларни кўп қаторлаб экиш технологик жараёни ва уни амалга оширадиган экичи ва кўмгичининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичи ва кўмгичларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаладиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, сеялка агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини уларнинг технологик ва конструктив параметрларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механиканинг асосий қонунлари ва пона назарияси, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (ГОСТ 20915-2011, О'z RH 63.07:2001, ГОСТ 31345-2007, ГОСТ Р 52777-2007, О'zDSt 3193:2017 ва О'zDSt 3197:2017) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичининг конструкцияси уруғларни белгиланган талаблар даражасида экилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

сеялка экичининг параметрлари пиёз уруғлари экиладиган пушта ўлчамлари ва уруғларнинг экилиш чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

сеялка кўмгичи параметрларининг ўзгариш чегаралари уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ҳамда кўмгичнинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

экич жағлари орасидаги кўндаланг масофа ва жағларнинг узунлиги, конус

тўғинли прикатканинг диаметри ва иш сиртининг айланиш ўқига нисбатан қиялик бурчаги, сирпанғичли экичлар ва бир жуфт прикаткага бериладиган тик босим кучлари ва агрегат ҳаракат тезлиги уларнинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини ифодаловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пиёз уруғларини белгиланган талаблар асосида кўп қаторлаб экадиган сеялканинг мақбул параметрларга эга бўлган экичи ва кўмгичининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган экич ва кўмгичлар билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка қўлланилганда меҳнат ва бошқа харажатларнинг камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар амалиётда кенг қўлланиб келинаётган самарали усул ва ўлчов воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, экич ва кўмгичнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика ва олий математиканинг қонун ва қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибавий тадқиқотлар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг бир-бирига мослиги, ишлаб чиқилган экич ва кўмгич билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичи ва кўмгичининг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган экич ва кўмгич билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка қўлланилганда технологик жараённинг сифатли бажарилиши, уруғлик ва бошқа харажатларнинг камайишига эришилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичи ва кўмгичининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

бир йўла суғориш эгатларини очадиган ва пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялкага дастлабки талаблар ва унинг конструкциясини лойиҳалаш учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 02/023-2176-сон маълумотномаси). Натижада пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган ресурстежамкор сеялка экичи ва кўмгичининг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган экич ва кўмгичлар билан жиҳозланган сеялка Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ҳамда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтларининг тажриба хўжаликлари ва Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 02/023-2176-сон

маълумотномаси). Натижада уруғлик сарфининг 1,1-1,4 мартага, бошқа харажатларнинг 1,1-1,3 мартага камайиши ва иш унумининг 1,2 мартагача ошиши таъминланган;

ишлаб чиқилган экич ва кўмгичлар билан жиҳозланган сеялканнинг sanoat нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (дастлабки талаблар ва техник топшириқ) “ВМКВ-Agromash” АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 02/023-2176-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга ресурстежамкор экич ва кўмгичлар билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялканнинг sanoat нусхасини ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 1 та фойдали моделга Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида пиёз уруғларини экишга қўйиладиган агротехника талаблари ишлаб чиқилган, сабзаёт экинларини экиш технологиялари ва техника воситалари, уларнинг иш органларини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунларда республикада пиёз асосий ва такрорий экин сифатида экилмоқда. Маълумки, Республикада махсус сеялкалар бўлмаганлиги сабабли пиёз уруғларини экиш маҳаллий шароитларга мослашмаган хорижий сеялкалар ҳамда илмий жиҳатдан асосланмаган ясама мосламалар билан амалга оширилмоқда. Бу мосламалар уруғларни қаторлаб ва

бир хил чуқурликка эка олмайди. Бундан ташқари экишга тайёрланган далаларда эгат очиш ва экиш тадбирлари алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажариб келинмоқда. Натижада экиш муддатлари чўзилиб, уруғлик, меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи ошиб кетмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялканинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди (1-расм). Сеялка осиш қурилмаси 3 билан жиҳозланган рама 1, занжирли узатма 2, маркёр 4, уруғ бункери 5, уруғ миқдорлагич 6, параллелограмм механизм 7, уруғўтказгич 8, конус тўғинли прикатка 9, эккич 10, сирпанғич 11, текислагич 12, эгаточкич 13 ва таянч-юритмали ғилдирак 14 лардан ташкил топган.



1-расм. Пиёз уруғини кўп қаторлаб экадиган сеялканинг технологик схемаси

Иш жараёнида рамага кўзғалмас қилиб маҳкамланган эгаточкичлар суғориш учун эгатлар очиб, пушталар ҳосил қилади. Эгаточкич канотларига ўрнатилган текислагичлар пушта юзасини текислаб, унинг кўндаланг кесимини трапеция кўринишга келтиради. Уруғ миқдорлагичларга ҳаракат таянч-юритмали ғилдиракдан занжирли узатма орқали берилади. Меъёрланган уруғлар уруғўтказгич орқали эккичга келиб тушади. Уруғларни кўп қаторлаб тасмали усулда экишни таъминлаш учун учта эккич битта сирпанғичга бирлаштирилган. Сирпанғич ўз навбатида рамага параллелограмм механизм ёрдамида кўзғалувчан (шарнирли) қилиб маҳкамланган. Сирпанғич параллелограмм механизмнинг пружинаси ҳосил қиладиган босим кучи таъсири остида ҳаракатланиб, пушта юзасини маълум даражада зичлайди. Эккич пуштада белгиланган чуқурлик ва кенгликда экиш эгатчасини ҳосил қилади ва унга уруғўтказгичдан келиб тушаётган уруғларни жойлаштиради. Эккичдан кейин ўрнатилган конус тўғинли

прикаткалар тупроқни экиш эгатчалари томонга суриб, уруғларни тупроқ билан кўмади ва сурилган тупроқнинг ён томонларини зичлайди.

Ушбу сеялканинг эчкичи ва кўмгичининг параметрлари илмий жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги сабабли кейинги тадқиқотларимиз уларнинг параметрларини асослашга қаратилди.


Диссертациянинг «**Пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялканинг ишлаш шароитларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида пиёз уруғларини экиш учун тайёрланган дала тупроғининг ва пиёз уруғларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Бунда пиёз уруғларини экиш учун тайёрланган дала тупроғининг 0-5, 5-10, 10-15, 15-20 см қатламлардаги ўртача намлиги, мос равишда, 13,4; 15,1; 17,4 ва 18,6 %, зичлиги 1,10; 1,14; 1,22 ва 1,25 g/cm^3 , қаттиқлиги эса 0,50, 0,64, 0,76 ва 0,89 МПа ни ташкил этиши аниқланди.


Пиёзнинг эртапишар “Сумбула”, ўртапишар “Истикбол” ва “Зафар” навлари уруғларининг ўртача узунлиги 3,0; 3,2 ва 3,1 mm; эни 2,1; 2,2 ва 2,3 mm; қалинлиги 1,9; 1,8 ва 1,8 mm ҳамда 1000 дона пиёз уруғининг массаси 3,82; 3,79 ва 3,83 g ни ташкил этиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Сеялка эчкичи ва кўмгичининг параметрларини назарий асослаш**» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка эчкичи ва кўмгичининг асосий параметрларини (2-расм) асослашга доир ўтказилган назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Эчкич пичоғининг юмалоқланиш радиуси(r)ни унинг олдида учрайдиган тупроқ кесаклари ва ўсимлик қолдиқлари сирпаниб кесилиши ёки уларнинг тупроққа ботириб юборилиши таъминланиш шартидан (3, а-расм), унинг



2-расм. Сирпанғичли эчкич ва конус тўғинли прикатканинг асосий параметрлари



3-расм. Эчкич пичоғининг юмалоқланиш радиуси, понасимон қисмининг ўткирланиш бурчаги ва узунлигини аниқлашга доир схемалар

понасимон қисмининг ўткирланиш бурчаги(γ_n)ни (3, б-расм) тупроқ минимал ҳамда унинг олдида уюмланмасдан деформацияланиши шартидан, понасимон

қисмининг узунлиги(l_n)ни 3, б-расмда келтирилган схемага биноан, эчкич жағларининг узунлиги($L_{жс}$)ни уруғўтказгичдан тушаётган уруғлар экиш эгатчасига жойлашиб бўлгандан кейин тупроқ билан кўмилиши лозимлиги шартидан қуйидаги ифодалар бўйича аниқланди:

$$r \geq \frac{h_y}{(1 - \sin \varphi_y)}, \quad (1) \quad 2\gamma_n = \frac{\pi}{2} - \varphi_T, \quad (2) \quad l_n = (0,5d_y + S_{жс}) \operatorname{ctg}\left(\frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_T}{2}\right), \quad (3)$$

$$L_{жс} \geq 0,5d_y + V_a \frac{\sqrt{V_T^2 + 2gH_y} - V_T}{g} + h_k \operatorname{ctg} \varepsilon_k, \quad (4)$$


бунда h_y – уруғларни экиш чуқурлиги, м; φ_y – ўсимлик қолдиқларининг пичоқ тиғига ишқаланиш бурчаклари, °; φ_T – пичоқ тиғининг тупроққа ишқаланиш бурчаги, °; d_y – уруғўтказгичнинг ташқи диаметри, м; $S_{жс}$ – эчкич жағининг қалинлиги, м; V_a – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, м/с; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; V_T – уруғнинг уруғўтказгичдан чиқишидаги тик тезлиги, м/с; H_y – уруғўтказгичнинг экиш эгатчаси тубига нисбатан ўрнатилиш баландлиги, м; h_k , ε_k – мос равишда, эчкич жағи орқа қисмининг қирқилиш баландлиги ва бурчаги, м ва °.

$h_y=0,015-0,02$ м; $\varphi_y=55^\circ$; $\varphi_T=31-38^\circ$; $d_y=0,025$ м; $S_{жс}=0,004$ м; $V_a=1,5-2,0$ м/с; $g=9,81$ м/с²; $V_T=3,24$ м/с; $H_y=0,006$ м; $h_k=0,04$ м; $\varepsilon_k=45^\circ$ деб қабул қилиб, (1)–(4) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар эчкич пичоғининг юмалоқланиш радиуси камида 11,1 см, эчкич понасимон қисмининг ўткирланиш бурчаги 52-59° оралиғида, эчкич понасимон қисмининг узунлиги 2,97-3,38 см оралиғида ва эчкич жағининг узунлиги камида 8,7 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Сирпанғичнинг олдинги эгилган қисмининг радиуси (r_c) унинг ҳаракати давомида ҳосил бўладиган тупроқ уюми олдинга сурилиши ва пастга ботириб юборилиши лозимлиги шартидан (4-расм), сирпанғичнинг баландлиги (H_c) унинг олдида уюлган тупроқ унинг устидан ошиб ўтиб кетмаслиги шартидан, сирпанғичнинг қамраш кенлиги (B_c) шаклланган пуштанинг тепа қисмини тўлиқ қоплаши шартидан ва унга бериладиган тик босим кучи (Q_T) тупроқ унинг таъсири остида талаб даражасида зичланиши таъминланиши шартидан қуйидаги ифодалар бўйича аниқланди:

$$r_c \geq K_T(H_T - \Delta)/(1 - \sin \varphi_T), \quad (5) \quad H_c > K_T(H_T - \Delta), \quad (6) \quad B_c \leq B_n - 2h_{жс} \operatorname{ctg} \varphi_T, \quad (7)$$

$$Q_T = q_0(d + KV_a^2) \frac{h_{жс}^2 \operatorname{ctg} \varphi_T}{B_n - 2h_{жс} \operatorname{ctg} \varphi_T} \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho_T}\right) \times [B_c l_c - n(d_y + 2S_{жс})(0,5l_n + l_u)], \quad (8)$$



4-расм. Сирпанғичнинг параметрларини аниқлашга доир схема

бунда K_T – пушта юзасидаги нотекисликларнинг сирпанғич олдида ҳосил бўладиган тупроқ уюмининг баландлигига таъсирини ҳисобга оладиган коэффицент; H_T – сирпанғич олдида ҳосил бўладиган тупроқ уюмининг энг катта баландлиги, м; Δ – сирпанғичнинг пушта

юзасига нисбатан кўтарилиш баландлиги, м; B_n – пушталар орасидаги масофа, м; $h_{жс}$ – суғориш эгатининг чуқурлиги, м; q_0 – пушта устига ёйилган тупроқнинг статик ҳажмий эзилиш коэффициенти, N/m^3 ; d – ўлчамсиз коэффицент; K – пропорционаллик коэффициенти, s^2/m^2 ; ρ_0 – ёйилган тупроқнинг зичлиги, kg/m^3 ; ρ_T – ёйилган тупроқнинг зичлангандан кейинги, яъни талаб этиладиган зичлиги, kg/m^3 , l_c – сирпанғичнинг зичловчи қисми узунлиги, м; n – битта пуштага экиладиган уруғлар қаторларининг сони, дона; l_n – экич понасимон қисмининг узунлиги, м; l_u – экич жағининг сирпанғичга кириб турган қисмининг узунлиги, м.

$K_T=0,017$ м; $H_T=0,05$ м; $\Delta=0,008$ м; $B_n=0,7$ м; $h_{жс}=0,1-0,15$ м; $q_0=2 \cdot 10^6$ N/m^3 ; $d=0,9$; $K=0,08$ s^2/m^2 ; $\rho_0=950$ kg/m^3 ; $\rho_T=1100$ kg/m^3 ; $l_c=0,13$ м, $n=3$ дона, $l_n=0,0338$ м ва $l_u=0,004$ м қабул қилиб, (5)-(8) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблашлар сирпанғичнинг олдинги эгилган қисмининг радиуси 18,5 см, сирпанғичнинг баландлиги 7,1 см, сирпанғичнинг қамраш кенглиги 31,6-44,4 см ва сирпанғичга бериладиган тик босим кучи 549,5-620,7 Н бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Конус тўғинли прикатканинг кичик, ўртача ва катта диаметрларини (D_{n1} , $D_{n\ddot{y}}$ ва D_{n2}) (2-расм) унинг олдида тупроқ уюми ҳосил бўлмаслиги шартидан, конус тўғинли прикаткаларнинг қамраш кенглигини (бир томонли прикатканики ($B_{n\ddot{o}}$) ва умумий (B_{ny})) экичлар ва экич жағлари орасидаги кўндаланг масофалар ҳамда экичлар сонини ҳисобга олган ҳолда, конус тўғинли прикатка ишчи сиртининг айланиш ўқига нисбатан қиялик бурчаги(γ)ни унинг тўғини тупроқ билан тўлиқ ўзаро таъсирда бўлиши шартидан ва прикаткаларга бериладиган умумий тик босим кучини унинг белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши шартидан қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз:

$$B_{n\ddot{o}} = 0,5[B_{\kappa} - (b_{жс} + 2S_{жс})], \quad (9) \quad B_{ny} = nB_{\kappa}, \quad (10) \quad \gamma \leq \arctg \frac{2h_y}{B_{\kappa} - (b_{жс} + 2S_{жс})}, \quad (11)$$

$$D_{n1} \geq \frac{h_y(1 + \cos\alpha_0)}{2(1 - \cos\alpha_0)}, \quad (12) \quad D_{n\ddot{y}} \geq \frac{2h_{ny}}{1 - \cos\alpha_0}, \quad (13) \quad D_{n2} \geq \frac{h_y(3 - \cos\alpha_0)}{2(1 - \cos\alpha_0)}, \quad (14)$$

$$\begin{aligned} Q_y = & 0,25 q_0 (d + KV_n^2) [B_{\kappa} - (b_{жс} + 2S_{жс})] D_{ny} \times \\ & \times \left[\sqrt{2D_{ny}h_y - h_y^2} - (D_{ny} - h_y) \arcsin \frac{\sqrt{2D_{ny}h_y - h_y^2}}{D_{ny}} \right] + \\ & + 0,5 q_0 (d + KV_n^2) [B_{\kappa} - (b_{жс} + 2S_{жс})] D_{ny} \times \\ & \times \left[\sqrt{2D_{ny}h_y - h_y^2} - (D_{ny} - h_y) \arcsin \frac{\sqrt{2D_{ny}h_y - h_y^2}}{D_{ny}} \right], \end{aligned} \quad (15)$$

бунда B_{κ} – ёнма-ён экичлар орасидаги кўндаланг масофа, м; $b_{жс}$ – битта экичнинг жағлари орасидаги кўндаланг масофа, м ва α_0 – конус тўғинли прикатканинг тупроққа ботиш бурчаги, °.

$B_{\kappa} = 0,1$ м; $b_{жс} = 0,025$ м ва $\alpha_0 = 20^\circ$ деб қабул қилиб, (9)-(15) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисобларда конус тўғинли прикатканинг кичик, ўртача ва катта диаметрлари, мос равишда, $D_{n1} \geq 24,12$ см, $D_{ny} \geq 24,87$ см ва $D_{n2} \geq 25,62$ см,

конус тўғинли бир томонли прикатканинг ва прикаткаларнинг умумий қамраш кенгликлари, мос равишда, $B_{но}=3,35$ см ва $B_{ну}=30$ см, конус тўғинли прикатка ишчи сиртининг унинг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчаги, кўпи билан, 31° ва конус тўғинли прикаткаларға бериладиган умумий тик босим кучи 176,5-199,4 N оралиғида бўлиши лозим эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида сирпанғич, экич ва кўмгичнинг параметрларини тажрибавий асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда сирпанғич, экич ва конус тўғинли прикаткалар параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг пушта юзасидаги тупроқнинг зичлиги, нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши, уруғларни экиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши ҳамда тортишға қаршилиғиға таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибаларни ўтказиш йўли билан асосий параметрларнинг мақбул қийматлари аниқланди.

Сирпанғич олдинги эгилган қисмининг радиуси. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h тезликларида сирпанғичнинг олдинги эгилган қисми радиусининг 140 mm дан 200 mm га ортиши тупроқ зичлигини, мос равишда, 1,06 g/cm³ дан 1,18 g/cm³ гача ва 1,04 g/cm³ дан 1,14 g/cm³ гача ортишиға, пушта юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланишини 2,18 см дан 1,21 см гача ва 2,41 см дан 1,32 см гача камайишиға олиб келган. Кейинчалик, радиуснинг 200 mm дан 230 mm гача ортиши билан эса бу катталиклар кам ўзгарган, яъни тупроқнинг зичлиги, мос равишда, 1,18-1,20 g/cm³ ва 1,14-1,15 g/cm³, пушта юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши 1,21-1,20 см ва 1,32-1,31 см оралиғида бўлган. Бунинг асосий сабаби шундаки, сирпанғичнинг олдинги эгилган қисмининг радиуси 140 mm дан 200 mm гача оралиқда бўлганда тупроқ бўлаклари сирпанғич ишчи сирти бўйлаб пастға сурилмасдан унинг олдиға уюлиб, устидан ошиб тушиши кузатилган. Радиус 200 mm дан 230 mm гача бўлганда эса бу ҳолат кузатилмаган. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h тезликларида сирпанғичнинг олдинги эгилган қисми радиусининг 140 mm дан 230 mm гача ошиши билан унинг тортишға қаршилиги, мос равишда, 306,4 N дан 239,2 N гача ва 317,6 N дан 260,7 N гача камайган.

Шундай қилиб, сирпанғичнинг олдинги эгилган қисми радиуси 200 mm га тенг ва ундан катта бўлганда унинг тортишға қаршилиги ва пушта юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши етарли даражада кам бўлиб, тупроқнинг зичлиги пиёз уруғларини экишға қўйиладиган агротехник талаблар (1,1-1,2 g/cm³) даражасида бўлди. Демак, ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари бўйича кам энергия сарфлаган ҳолда пушта юзаси текис бўлиши ва тупроқ талаб даражасида зичланиши учун сирпанғичнинг олдинги эгилган қисмининг радиуси камида 200 mm бўлиши лозим экан.

Сирпанғичға бериладиган тик босим кучи. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида сирпанғичға бериладиган тик босим кучи 400 N дан 500 N гача ортиши билан тупроқнинг зичлиги, мос равишда, 1,18 g/cm³ дан 1,24 g/cm³

гача ва $1,14 \text{ g/cm}^3$ дан $1,22 \text{ g/cm}^3$ гача аввал камроқ, кейин жадалроқ ортиб бориши, пушта юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши $1,21 \text{ cm}$ дан $1,14 \text{ cm}$ гача ва $1,32 \text{ cm}$ дан $1,18 \text{ cm}$ гача бир маромда камайиши кузатилган. Кейинчалик эса тик босим кучининг 500 N дан 550 N гача ортиши билан тупроқнинг зичлиги ҳам, пушта юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши ҳам деярли ўзгармай қолган.

Агрегатнинг $5,2$ ва $7,6 \text{ km/h}$ ҳаракат тезликларида сирпанғичга бериладиган тик босим кучининг ортиши билан унинг тортишга бўлган қаршилиги деярли тўғри чизик қонунияти бўйича бир маромда ортиб борган.

Сирпанғичга бериладиган тик босим кучи $400-450 \text{ N}$ бўлганда тупроқнинг зичлиги $1,14-1,20 \text{ g/cm}^3$ оралиғида бўлди ва бу қийматлар пиёз уруғларини экишга қўйиладиган агротехник талабларга жавоб беради.

Эккич параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун экспериментни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Бунда эккич жағлари орасидаги кўндаланг масофа (X_1), эккич жағларининг узунлиги (X_2), сирпанғич билан жиҳозланган эккичларга бериладиган тик босим кучи (X_3) ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги (X_4) эккичнинг иш сифати ва энергетик кўрсаткичларига энг кўп таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Баҳолаш мезонлари сифатида уруғларни экиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши ҳамда сирпанғичли эккичларнинг тортишга қаршилиги қабул қилинди. Тажриба натижаларига ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қўйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- экиш чуқурлиги бўйича (cm):

$$Y_{13} = 1,589 - 0,135X_1 + 0,100X_2 + 0,074X_3 - 0,044X_4 - 0,031X_1^2 - 0,013X_1X_2 + 0,015X_1X_3 - 0,010X_1X_4 + 0,064X_2^2 + 0,019X_3^2 - 0,045X_3X_4 + 0,044X_4^2 ; \quad (16)$$

- экиш чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши бўйича ($\pm \text{cm}$):

$$Y_{23} = 0,381 + 0,024X_1 - 0,016X_2 - 0,014X_3 + 0,041X_4 + 0,066X_1^2 + 0,008X_1X_3 + 0,010X_2^2 + 0,025X_3^2 + 0,031X_4^2 ; \quad (17)$$

- сирпанғичли эккичларнинг тортишга қаршилиги бўйича (N):

$$Y_{33} = 266,320 + 4,247X_1 + 2,317X_2 + 11,333X_3 + 13,617X_4 - 2,144X_1^2 - 1,738X_1X_2 + 1,304X_1X_4 - 1,521X_2X_3 - 3,804X_2X_4 + 4,440X_3^2 - 2,329X_3X_4 + 6,623X_4^2 . \quad (18)$$

(16)-(18) регрессия тенгламалари “ Y_{13} ” мезон, яъни уруғларни экиш чуқурлиги $1,5-2,0 \text{ cm}$ оралиғида бўлиши, “ Y_{23} ” мезон, яъни экиш чуқурлигининг ўртача квадратик четланиши $\pm 0,5 \text{ cm}$ дан ошмаслиги, “ Y_{33} ” мезон, яъни тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартларидан биргаликда ечилди ва эккич $5,2-7,6 \text{ km/h}$ иш тезликларида пиёз уруғларини талаб даражасида экишни таъминлаши учун унинг жағлари орасидаги масофа $2,6-2,7 \text{ cm}$, жағларининг узунлиги $10,2-12,7 \text{ cm}$ ва сирпанғичли эккичларга бериладиган тик босим кучи $582,8-599,3 \text{ N}$ оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди. Ушбу қийматларда уруғларни экиш чуқурлиги $1,6-1,7 \text{ cm}$, унинг ўртача квадратик четланиши $\pm 0,45-0,48 \text{ cm}$ ва сирпанғичли эккичларнинг тортишга қаршилиги $336,4-359,7 \text{ N}$ ни ташкил этади.


Конус тўғинли прикатканинг диаметри 220 mm дан 280 mm гача катталашганда (агрегат тезлиги 5,2 km/h) уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги 1,9 см дан 1,4 см гача камайган (5, а-расм), унинг ўртача квадратик четланиши эса деярли ўзгармасдан, $\pm 0,40-0,44$ см оралиғида бўлган. Прикатканинг тортишга қаршилиги 89,2 N дан 68,5 N гача деярли тўғри чизик қонунияти бўйича камайган (5, б-расм). Буни прикатка диаметрининг ортиши билан унинг тупроқ билан контактда бўладиган юзасининг ортиши ва тупроққа ботиш чуқурлигининг камайиши билан изоҳлаш мумкин. Агрегатнинг тезлиги 7,6 km/h бўлганда ҳам худди шу каби қонуниятлар қайд этилди.

Конус тўғинли прикатканинг диаметри 240 mm бўлганда уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши белгиланган агротехник талаблар даражасида бўлди.


Конус тўғинли прикатка ишчи сиртининг унинг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 30° дан 40° гача ошганда (агрегат тезлиги 5,2 km/h) уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги 1,6 см дан 1,8 см гача ортиши, унинг ўртача квадратик четланиши эса $\pm 0,47$ см дан $\pm 0,42$ см гача камайиши аниқланди (5, в-расм). Кейинчалик ушбу бурчак 50° ва 60° бўлганда уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги сезиларли даражада камайиб, ўртача квадратик четланиши озгина ортган. Шу каби қонуният агрегатнинг тезлиги 7,6 km/h бўлганда ҳам кузатилди. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h тезликларида ўрганилаётган бурчак 30° дан 40° гача катталашганда унинг тортишга қаршилиги, мос равишда, 93,6 N дан 82,8 N гача ва 104,8 N дан 93,4 N гача камайган, 40° дан 60° гача катталашганда эса деярли ўзгармасдан қолган (5, г-расм). Буни конус тўғинли прикатка ишчи сиртининг унинг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчаги катталашганда прикатканинг тупроққа ботиш чуқурлиги ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Конус тўғинли прикатка ишчи сиртининг унинг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 40° га тенг бўлганда уруғларни кўмиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши белгиланган агротехник талаблар даражасида бўлди.


Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5,2 km/h га тенг бўлиб, бир жуфт **конус тўғинли прикаткага бериладиган тик босим кучи 60 N дан 80 N гача ортганда** уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги 1,4 см дан 1,7 см гача ортган, ўртача квадратик четланиши $\pm 0,59$ см дан $\pm 0,43$ см гача камайган (5, д-расм). Босим кучи 80 N дан 120 N гача ортганда эса уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши деярли ўзгармасдан қолган. Буни конус тўғинли прикаткага бериладиган тик босим кучи 80 N гача бўлганда зичланмаган, ундан ошганда эса зичланган тупроққа таъсир кўрсатиши билан изоҳлаш мумкин. Бир жуфт прикаткага бериладиган тик босим кучи 60 N дан 120 N гача орта бориши унинг тортишга қаршилиги ҳам деярли тўғри чизик қонунияти бўйича ортиб боришига сабаб бўлади (5, е-расм).




а)




б)




в)



г)



д)



е)

5-расм. Конус тўғинли прикатка параметрларини унинг иш кўрсаткичларига таъсири

Конус тўғинли прикаткага бериладиган тик босим кучи 80 N бўлганда уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва ўртача квадратик четланиши агротехника талаблари даражасида бўлди.

Диссертациянинг «Пиёз уруғларини қаторлаб экадиган сеялка синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган эчкич ва кўмгич билан жиҳозланган пиёз уруғларини қаторлаб экадиган сеялка тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, хўжалик синовларининг натижалари ҳамда иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган эчкич ва кўмгич билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеяланинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қуйиладиган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган эчкич ва кўмгич

билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка қўлланилса, меҳнат сарфи 40,0 фоизга ва 1 гектар ерга сарфланадиган эксплуатация харажатлари 31,6 фоизга камаяди. Бунда битта сеялкага йиллик иқтисодий самара 65581049,39 сўми ташкил этади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

«Пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялка экичи ва кўмгичининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги умумий хулосалар тақдим этилди:

1. Пиёз уруғларини экадиган мавжуд сеялкалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотларни ўрганиш агрегатнинг бир ўтишида суғориш эгатларини очадиган ва пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялкани ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Ишлаб чиқилган сеялка ҳосил қилинган пушталарга пиёз уруғларини кўп қаторлаб экишда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорликни камайтириш имконини беради.

3. Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида пиёз уруғларини қаторлаб экадиган сеялка сирпанғичи олдинги қисмининг эгилиш ва экич пичоғининг юмалоқланиш радиуслари, экич жағларининг узунлиги ва жағлар орасидаги кўндаланг масофа, сирпанғичга ва конус тўғинли прикаткаларга бериладиган тик босим кучлари, конус тўғинли прикаткаларнинг диаметри ва иш сиртининг унинг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчагини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинди.

4. Пиёз уруғларини экишда пуштанинг тепа қисмидаги тупроқни талаб даражасида зичлаш ва уруғларни белгиланган чуқурликка сифатли экиш учун сирпанғич олдинги қисмининг эгилиш радиуси камида 200 mm, унинг баландлиги камида 7,14 cm, экичнинг юмалоқланиш радиуси камида 11,1 cm, понасимон қисмининг ўткирланиш бурчаги 52-59° ва узунлиги 2,6-2,7 cm оралиқларида, экич жағларининг узунлиги камида 10,2-12,7 cm ва 1,5-2,0 m/s ҳаракат тезликларида сирпанғичли экичларга бериладиган тик босим кучи 564,8-592,2 N оралиғида бўлиши керак.

5. Пиёз уруғлари талаб даражасида кўмилиши учун конус тўғинли прикатканинг катта диаметри 236,3-243,5 cm, ишчи сиртининг айланиш ўқиға нисбатан қиялик бурчаги 41°42'-43°54' оралиғида, прикаткаларнинг умумий қамраш кенлиги 30 cm ва бир жуфт прикаткаларга бериладиган тик босим кучи 1,5-2,0 m/s ҳаракат тезликларида 85,2-91,8 N оралиғида бўлиши лозим.

6. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган сирпанғичли экич ва конус тўғинли прикаткалар кўринишидаги кўмгичлар билан жиҳозланган пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялкани қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан меҳнат сарфини 40,0 % га ва ҳар гектар ерга сарфланадиган эксплуатация харажатларини 31,6 % га камайтиради ва битта сеялкадан йилига 65581049,39 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ЭШДАВЛАТОВ АКМАЛ ЭШПУЛАТОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ СОШНИКА И ЗАГОРТАЧА
СЕЯЛКИ ДЛЯ РЯДОВОГО СЕВА СЕМЯН ЛУКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулбахор – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2019.3.PhD/T1357.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.uzmei.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Ибрагимов Абдирасули Абдикаримович
доктор технических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты: Имомкулов Кутбиддин Боквижонович
доктор технических наук, с.н.с.

Толибаев Алишбай Ержанбаевич
кандидат технических наук, с.н.с.

Ведущая организация: Ташкентский государственный
технический университет имени
Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «3 декабря» 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 453). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «19 ноября» 2021 года
(Протокол рассылки № 15 от «19» ноября 2021 года)




М.Т. Ташболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор


Б.П. Артикбаев
ВрИО ученого секретаря научного совета по присуждению
ученой степени, PhD., с.н.с.


А. Тухтакулиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих технологий и новых технических средств для возделывания лука. «Если учесть, что по всему миру лук сеют на площади более 4,44 млн гектаров и получают 85,8 млн тонн продукции»¹, то важной задачей считается разработка на научной основе новых и совершенствование существующих энерго-ресурсосберегающих сеялок для сева семян лука с высокими производительностью и качеством работы. В Узбекистане отсутствуют специальные сеялки для сева семян лука, сев осуществляется иностранными сеялками, не адаптированными к местным условиям, а также посредством самодельных устройств не имеющих научной основы. Эти устройства не могут обеспечить равномерность глубины и производить ленточно-многорядный способ сева семян. В этом аспекте большое значение уделяется на разработку энерго-ресурсосберегающих технических средств и устройств, обеспечивающих несколько технологических операций за один проход агрегата при севе семян лука.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий сева семян лука и новых образцов технических средств для их осуществления, по разработке научно-технических основ усовершенствования существующих машин с целью обеспечения ресурсосбережения в процессе работы. В этом направлении важное значение имеет проведение целенаправленных научных исследований по разработке конструкции сеялки для одновременного формирования гребней на подготовленных к севу полях и многорядного сева семян лука на заданную глубину, обеспечению работы ее сошников и загортачей в соответствии с агротехническими требованиями с учетом взаимодействия их с почвой, обоснованию параметров, обеспечивающих ресурсосбережения в процессе взаимодействия его с почвой является актуальным.

В сельскохозяйственном производстве республики принимаются масштабные меры по экономии энергии и ресурсов при возделывании сельскохозяйственных культур с использованием передовых технологий и разработке высокопроизводительных технических средств. В Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, приоритетными задачами ставятся «... для модернизации и интенсивного развития сельского хозяйства дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². Также в Указе Президента страны за

¹ https://www.agrobank.uz/upload_files/documentation_file/6088f50b891cc.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

